



Food and Agriculture
Organization of the
United Nations



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ: МИЛЛИЙ ВА ГЛОБАЛ ОМИЛЛАР

II-ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ДАСТУРИ

**2020 йил 16-17 октябрь
Самарқанд, Ўзбекистон**

“Food Security: National and Global Drivers”

**International Scientific and Theoretical
Conference**

16-17 October 2020

Samarkand, Uzbekistan

Самарқанд - 2020

2. Мекленбурцев Р.Н. Природа и животный мир Средней Азии. Ташкент: Укитувчи, 1969. 426 с.

3. Рустамов А.К. Птицы Туркменистана. Ашхабад, 1958. Т.2. 252 с.

ҚИЗИЛҚУМ ҚҰРИҚХОНАСИ ФЛОРАСИГА ҚЎШИМЧАЛАР. I-ҚИСМ.

Ҳ.Қ. Эсанов

Бухоро давлат университети

Қизилқум давлат қўриқхонаси Жанубий – Ғарбий Қизилқумнинг бир қисмида жойлашган бўлиб 1971 йилда Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳудудида ташкил этилган. Қўриқхонанинг асосий майдони Амударё бўйи тўқайлари ва қумли чўлини ўз ичига олади. Қўриқхонанинг умумий майдони 10311 га ни ташкил қилади. Қўриқхонада чўл экотизимини табиий ҳолда сақлаб қолиш, биохилма хилликни асраш бўйича амалий ишлар олиб бориляпти.

Илмий манбалар таҳлил қилинганда қўриқхона ўсимликлари тўғрисида маълумотлар етарли эмаслигини кўриш мумкин. Қизилқум қўриқхонаси ҳудуди иккита биоценоз – тўқай ва чўл экологик тизимларидан иборат бўлиб, ўзига хос турли-туман ўсимликлар билан қопланган. Тўқай ўсимликларга жуда бой бўлиб, асосан сув ва сув бўйи ўсимликлари яъни, гидрофит ва гигрофитлардан ташил топган. У ерда асосан турангил тераклар, толлар, қамиш, кўға, жийда, эриантус, илончўп, қора жингил, юлғун, буғдойиққамиш, ажриқ ва бошқа ўсимликлар учрайди. Қумли чўл муҳитида эфемер, эфемероид ва ксерофит ўсимликлар кўп бўлиб, улар баҳор тугаши билан вегетациясини тугатган. Бунда карамдошлар, буғдойдошлар, қоқиўтдошлар ва бурчоқдошлар вакиллари кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Қўриқхонанинг қумли чўл муҳитида дарахт ва буталар жуда кам учрайди. Улардан саксовул, черкез, эфедра, кандим турлари, жингилни кўриш мумкин. Чоп этилмаган айрим маълумотларга ва олиб борилган кўп йиллик мониторинг натижаларига кўра қўриқхонада 3 бўлим, 49 оила, 122 туркумга мансуб 175 турдаги юксак ўсимликлар учраши аниқланган. Аммо бу келтирилган маълумотлар охириги кўрсаткичдеб ҳисобланмайди. Чунки ҳар қандай ҳудудда турлар сони турли сабабларга кўра йилдан йилга бойиб боради. 2020 йил май-июль ойларида олиб борилган тадқиқотлар давомида қўриқхона ҳудудидан янги ўсимлик турлари аниқланди:

BRASSICACEAE – КАПУСТНЫЕ – КАРАМДОШЛАР

Diptychocarpus strictus (Fisch. ex M. Vieb.) Trautv. – двоякоплодник прижатый – сиқилган қўшмева. Бир йиллик. Тўқай қирғоқлари, қумли тупроқларда, йўл бўйларида учрайди. Қўриқхона ҳудудида кенг тарқалган.

ROSACEAE – РОЗОЦВЕТНЫЕ - РАЪНОДОШЛАР

Potentilla supina L. – лапчатканизкая – пакана ғозпанжа. Кўп йиллик ўт ўсимлик. Амударё қирғоқлари, ирмоқларида ўсади. Кам тарқалган. Доривор, ем хашак, асал ширали ўсимлик.

FAVACEAE – БОБОВЫЕ - БУРЧОҚДОШЛАР

Alhagi canescens (Regel) Shap. ex Keller & Shap. – верблюжья колючка седоватая – кулранг янтоқ. Кўп йиллик ўт. Кум тупроқларда, тўқайда ва унинг атрофларида учрайди. Доривор, ем хашак, асал ширали ўсимлик.

Eremosparton flaccidum Litv. - эremosпартон обвислый - осилувчан кулонкуйруқ. Бута. Кумли тупроқларда, барханларда ўсади. Ўзбекистон Қизил китобиға киритилган. Мақоми 2. Қизилқумда тарқалган камёб ўсимлик [1]. Қўриқхона худудидан фақат бир жойдан топилди. Олдинги йилларда топилмаган ёки рўйхатға олинмаган. Тур ценoпoпуляцияси ўрганилди. 20x20 майдонда 65 тупи ўсган. Координаталари N 40°39'58 E 62°06'39. д.с.б.145 м.

RUTACEAE – РУТОВЫЕ - ТОШБАҚАТОЛДОШЛАР

Haplophyllum ramosissimum (Paulsen) Vved. – цельнолистник ветвистый – шохланган тошбақаўт. Яримбута. Чўлнинг кумли тупроқларида учрайди. Эфир мойли. Кичик кичик майдончалар ҳосил қилиб ўсади. Қўриқхона худудида жуда кенг тарқалган ўсимлик эмас.

ARIACEAE – ЗОНТИЧНЫЕ – ЗИРАДОШЛАР

Dorema sabulosum Litv. – дорема песчаная – кум доремаси. Кўп йиллик, монокарп ўсимлик. Қўриқхонанинг кумли худудларида учрайди. Ҳар жойда якка якка учрайди. Эфир мойли ўсимлик.

Prangos amorphila (Bunge) Pimenov & V.N. Tikhom. – прангос песколюбивый – кумсевар шашир. Кўп йиллик, монокарп ўсимлик. Кумли тупроқларда ўсади. Қўриқхонада кент тарқалган тур. Ем хашак, эфир мойли ва асал ширали ўсимлик.

ASTERACEAE – СЛОЖНОЦВЕТНЫЕ - ҚОҚИЎТДОШЛАР

Artemisia diffusa Krasch. ex Poljakov – полынь раскидистая – тарвақайланган шувоқ. Ярим бута. Кумли ва гилли тупроқларда учрайди. Қизилқумда кенг тарқалган турлардан бири ҳисобланади. Ем хашак, эфир мойли ва асал ширали ўсимлик.

Ўсимлик турларини аниқлашда ва уларнинг фойдали хусусиятларини аниқлашда «Флора Ўзбекистана» [2], «Определитель растений Средней Азии»[3], «Бухоро воҳаси флораси таҳлили»[4] илмий манбаларидан фойдаланилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур турлар худудда кенг тарқалганлиғига қарамасдан қўриқхона ўсимликлари тўғрисидаги маълумотларда келтирилмаган. Бу эса қўриқхона ўсимликлар таркибини қайта инвентаризация қилишни талаб қилади. Тадқиқотлар давом этипти.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-томда. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. Т.1. – 360 б.
2. Флора Ўзбекистана. В 6-и т. –Ташкент: АН УзССР, 1941-1962.
3. Определитель растений Средней Азии. В 11-х т. –Ташкент: Наука, 1968-2015.
4. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳаси флораси таҳлили. Биол. фан. фалс. докт. дис. – Тошкент, 2017. – 179 б.

| | |
|--|-----|
| Т.Н. Холмурадова, Ю.Ш. Гаффоров Туркистон тизмасининг доривор макрофитларида тарқалган занг замбуруғлари | 481 |
| Хўжаев Ж.Х., Ўроқов С.Х. Маржумак баргларидаги сув танқислигига азотнинг таъсири | 483 |
| И.У. Мукумов, З.А. Расулова Цветение и плодоношение некоторых видов пальм (Arecaceae) в условиях интродукции | 485 |
| Ураева М.Х., Эгамова Г., Мухаммадиев Б.К. Доривор экинларнинг асосий зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари | 487 |
| Т.У. Рахимов., С.Ш. Юлдашева <i>Taraxacum kok-saghyz Rodin</i> ва <i>Taraxacum officinale Wigg.</i> ўсимликларнинг лаборатория шароитида уруғ унувчанлигини солиштириб ўрганиш | 489 |
| Жалов Х.Х., Абдирасулов Ф.А. Географический анализ бриофлор самаркандской области | 495 |
| Vyas R. V., Shelat H. N. and Jhala Y. K. Microbes for climate change mitigation and strengthening food security | 497 |
| Norqulov M.M. Zarafshon milliy tabiat bog'i lishyniklari va ekologiyasi | 499 |
| Norqulov M. M. Lishayniklarning oziq ovqat sanoatidagi ahamiyati | 502 |
| Ю.Ш. Гаффоров, Т.Н. Холмурадова, А.А. Абдуразақов, Г. К. Норимова Зомин миллий табиат боғида тарқалган доривор ўсимликларнинг ун-шудринг замбуруғлари | 505 |
| Хайдарова Х.Х, Нозимова А.Б. Самарқанд шаҳри экотизимидаги ўсимликлар дунёси ва уларнинг ижтимоий аҳамияти | 506 |
| Нормурадова Г. Алланазарова Н.А.Изучение технологии выращивания африканского сомика (<i>clarias gariepinus (burchell 1820)</i>) | 510 |
| Фундукчиев С.Э., Набиев А. Питание некоторых раکشееобразных птиц | 512 |
| Умурзакова З.И., Икрамова Ю.Э. Алқор (<i>mediasia macrophylla</i>) истиқболли ноёб зиравор ўсимлик | 515 |
| О.М. Abdusamatov, А.Р. Jabborov Maynaning (<i>acridotheres tristis</i>) bog'dorchilik va uzumchilikdagi zararini oldini olish va buning oziq-ovqat xavfsizligidagi ahamiyati | 517 |
| D.G'.Hayitov Quyonlar go'shtining sifat ko'rsatkichlariga oziqlantirishning ta'siri | 519 |
| D.G'. Hayitov, Z.T. Rajamuradov Quyonlar go'shtining biologik va energyetik qiymatiga ozuqaviy omillarning ta'siri | 522 |
| Фундукчиев С.Э. Хозяйственное значение розового скворца | 527 |
| Ҳ.К. Эсанов Қизилқум кўриқхонаси флорасига кўшимчалар. 1-қисм. | 530 |
| 5- ШЎҒБА: ҚУРҒОҚЧИЛ МИНТАҚА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН БАРҚАРОР ФЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИ ЮМШАТИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ | |
| Y. Touge, J.M. Mbugua, S. Kazama, T. Khujanazarov, K. Tanaka Future projection of basin water balance in the amu darya basin using land surface model | 532 |
| Toderich K.N., Sultanova Z.S., Toreshev P., Boboev H.A., Khujanazarov T., Yasui H., Akinshina N.G., Karimov A., Mukimov T., Rajabov T. and Shuyskaya E.V. Crops diversification through cultivation of non-conventional crops and halophytes production on saline lands: key vector to enhance food security | 534 |
| А.С. Бобаева., А. Раббимов., Б.Х. Рафиев Боялич- <i>salsola arbuscula</i> уруғларининг карнабчўл шароитидаги унувчанлиги | 540 |
| Ахмадалиева Л.Х., Бобокулов Н.А., Юсупов С.Ю., Попова В.В., Хатамов А.Х., Газиёв А., Фазилов У.Т., Рафиев Б.Х., Кличев З.С., Раббимов А., Уримбетов А.А. Актуальные вопросы охраны интеллектуальной собственности в нии каракулеводства и экологии пустынь | 542 |
| Б. Бекчанов., С. Қаршиев Адир яйловларини мониторинг қилишнинг дастлабки натижалари | 546 |